



26 - May 2020 йил

№ 1331/5

Фуқаро Ибрагимов Шухрат
Исмоиловичга фермер хўжалик
ташқил қилиш учун ижарага ер
майdonи ажратиб бериш тўғрисида

Фуқаро Ибрагимов Шухрат Исмоиловичнинг фермер хўжалик ташқил қилиш учун ижарага ер майdonи олиш бўйича танловда қатнашишга рухсат беришни сўраб ёзган аризасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг баёнини ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53 - моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги, давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг танлов натижалари бўйича қабул қилган йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.

2. Мухомон қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган № 23 лойиҳа бўйича Ибрагимов Шухрат Исмоилович танлов ғолиби деб топилсин ва унга Мухомон қишлоғи ҳудудидан, қишлоқ хўжалик харитасининг № 110, 111, 162, 163, 164, 147, 112, 113, 114, 192, 193, 194, 198, 200, 204, 211, 228к, 311к, 50к, 96к, 97к-контурлардаги жами 102,0 гектар (шундан суғориладиган экин ери 74,3 гектар, бўз ерлар 2,0 гектар, ариқ ва зовурлар 14,8 гектар, йўл ва уватлар 2,4 гектар, қурулиш ости ерлар 0,7 гектар, бошқа ерлар 7,8 гектар) ер майdonи Пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалик ташқил қилиш учун 49 йил муддатга ажратиб берилсин.

3. Тумандаги давлат хизматлари директори (Б.Рузимов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ташқил этиш учун ҳужжатларни рўйхатга олиш топширилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Собиров)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. Фуқаро Ибрагимов Шухрат Исмоиловичга фермер хўжалиги ташқил қилиш учун ер майdonи ажратилиши муносабати билан банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкасининг бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Ў.Машарипов